

**ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИНГ ШАКЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш  
академияси мустақил изланувчиси**

**Отажанов Бобур Абдуллаевич**

**Аннотация:** ушбу мақолада иқтисодий суд ишларини юрителишда прокурор иштирокининг шакллари, бу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида иқтисодий суд ишларини юрителишда прокурор иштирокининг шакллари такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асосланган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий суд ишларини юрителиш, прокурор, судда иштирок этиш, иштирок этиш шакллари, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

**Отаджанов Бобур Абдуллаевич,  
самостоятельный соискатель Правоохранительной  
академии Республики Узбекистан**

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ФОРМ УЧАСТИЯ  
ПРОКУРОРА В ЭКОНОМИЧЕСКОМ СУДОПРОИЗВОДСТВАХ**

**Аннотация:** В статье анализируются полномочия прокурора в экономическом судопроизводстве, его формы, законодательный опыт зарубежных стран по данному вопросу. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование формы для участия прокурора в экономическом судопроизводстве.



**Ключевые слова:** экономический судопроизводства, прокурор, участие в суде, форма участие, зарубежный опыт, совершенствование.

**Otajanov Bobur Abdullaevich,  
Independent Law Enforcement Academy  
Republic of Uzbekistan**

### **ISSUES OF IMPROVING THE FORMS OF PARTICIPATION OF THE PROSECUTOR IN ECONOMIC LEGAL PROCEEDINGS**

**Abstract:** The article analyzes the powers of the prosecutor in economic proceedings, its forms, the legislative experience of foreign countries on this issue. As a result of the analysis, proposals were substantiated aimed at improving the form for the participation of the prosecutor in economic proceedings.

**Key words:** economic legal proceedings, prosecutor, participation in court, form of participation, foreign experience, improvement.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни<sup>2</sup>га биноан прокуратура органлари Ўзбекистон Республикасидаги барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, давлат назорати идоралари, ҳокимликлар, шунингдек бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ҳарбий қисмлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини назоратни амалга ошириши белгиланган. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://lex.uz/docs/20596>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, - 41 б.



фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлардан бири сифатида судларда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш белгиланган бўлиб, ушбу жараёнда иштирок этувчи прокурорларнинг асосий вазифалари - қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлашдан иборатдир.<sup>3</sup>

Муқаддам Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда ИПК деб юритилади)да прокурорнинг иқтисодий судларда ишларни кўришдаги ваколоти:

биринчидан, фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаси (ариза) тақдим этиш орқали;

иккинчидан, қонунда назарда тутилган ёки суд мазкур ишда прокурор иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда иштирок этиш орқали таъминланган.

Қолаверса, прокурор барча ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли эди (ИПКнинг 49-моддаси).

Бошқа суд ишларини юритиш жараёнида бўлгани каби ИПКда ҳам прокурорларга суд процессларига киришиши ва ишда иштирок этиш борасида кенг ваколат ва имкониятлар яратилган эди. Қолаверса, қонунда назарда тутилган ёки суд мазкур ишда прокурор иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Иқтисодий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 125-сонли буйруғи // Буйруқ номланиши, преамбуласи ва 1-банд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 20.12.2017 йилдаги 179-сонли буйруғи тахририда.



кўзғатилган ишларда прокурор иштирок этиши шарт эди.

Бироқ ИПКнинг 49-моддаси матнига Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-663-сонли Қонуни<sup>4</sup> билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишда иштироки бирмунча қисқартирилди. Хусусан, прокурорнинг барча ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи, суд мазкур ишда прокурор иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда, прокурорнинг ишда иштирок этиш тартиби бекор қилинди, прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан кўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эндиликда суд прокурорни ишда иштирок этишини зарур деб ҳисоблаган тақдирда ҳам, судьянинг прокурорни ишга жалб қилиш имконияти ва ваколати бекор қилинди. Бу эса прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этиш шакллариининг ўзгаришига сабаб бўлди.

Муқаддам прокурор иқтисодий суд ишларини юритишда қуйидаги шаклларда иштирок этар эди:

1) фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво ариза (ариза) тақдим этиш орқали ишда иштирок этиш;

2) бошқа шахслар томонидан кўзғатилган ишларда прокурор ишнинг мазмуни бўйича фикр билдириш учун жараёнга кириш (ИПКнинг 49-моддаси).

Дарҳақиқат, илгари ИПКнинг 49-моддаси бешинчи қисмида иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг иккинчи шакли, яъни прокурорнинг бошқа шахслар томонидан кўзғатилган ишларда ишнинг мазмуни бўйича фикрини баён этиши назарда тутилган бўлиб, мазкур моддага киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан прокурорнинг барча

---

<sup>4</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон.



ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи, суд мазкур ишда прокурор иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда, прокурорнинг ишда иштирок этиш тартиби бекор қилиниши ҳамда прокурорнинг бошқа шахслар аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас муносабати билан прокурорнинг ушбу шаклда иштирок этишига барҳам берилди.

Амалдаги ИПКнинг 49-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган “ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг мазмуни бўйича фикрини баён этади, бундан унинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъво аризаси (аризаси) бўйича қўзғатилган ишлар мустасно” деган норма эндиликда амалиётда ишламайди ва ушбу норманинг ҳеч қандай “юқи” мавжуд эмас.

Бироқ хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ва юридик адабиётларда илгари сурилаётган таклиф ва мулоҳазалар прокурорнинг суд процессларида иштирок этишининг шакллари ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади. Бу борада юридик адабиётларда турли қарашлар мавжуд.<sup>5</sup> Хусусан, прокурорнинг процессда иштирок этишининг асосий шакллари сифатида қуйидагилар илгари сурилган:

1) суд томонидан фуқароларнинг, номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ёки давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишни қўзғатиш;

2) фикр билдириш учун бошқа шахслар томонидан бошланган жараёнга кириш;

3) суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш учун протест келтириш йўли билан судга муурожаат қилиш.<sup>6</sup>

---

<sup>5</sup> **Қаранг:** Трещева Е.А. Субъекты арбитражного процесса. Часть 2: Правовое положение лиц, участвующих в деле, в арбитражном процессе. -Самара: Изд-во Самарского ун-та, 2007.

<sup>6</sup> **Қаранг:** Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: қонунчиликдаги ютуқлар ва айрим муаммолар хусусида // “Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг янгича асосларда



Айрим манбаларда фуқаролик ва маъмурий суд ишларини юритишда прокурор қўйидагиларда шаклларда иштирок этиши назарда тутилган:

- ариза (даъво) билан судга муурожаат қилиш;
- ишда хулоса бериш мақсадида киришиш.<sup>7</sup>

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги кунда мамлакатимиз ИПКда прокурорнинг судда иштирок этишининг биринчи шакли - фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво ариза (ариза) тақдим этиш орқали ишда иштирок этиш назарда тутилган. Хусусан, ИПКнинг 49-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, прокурорнинг судга даъво аризаси билан муурожаат қилишининг қўйидаги асосларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- фуқаронинг аризаси ва илтимосномаси асосида унинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризасини (аризани) тақдим этиш;
- юридик шахснинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризасини (аризани) тақдим этиш;
- давлатнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризасини (аризани) тақдим этиш.

Бироқ шу ўринда таъкидлаш керакки, прокурорнинг айнан қайси ишлар бўйича иқтисодий судга даъво ариза (ариза) билан муурожаат қилиши нафақат процессуал қонунчиликда, ҳатто қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам аниқ белгиланмаган. Амалдаги ИПКнинг 233-моддасида иқтисодий иш бўйича йўқолган суд ишини ёки ижро ишини юритиш прокурорнинг аризасига кўра суд томонидан тикланиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, ўз навбатида бу тоифадаги ишлар иқтисодий низолар тоифасига кирмайди. Бу

---

шаклланиши: ютуқлар ва муаммолар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2007 йил 29 ноябрь. -Тошкент: ТДЮИ. 2007. –Б. 112-117.; Гуреева О.А. Организационные аспекты обеспечения участия прокурора в гражданском судопроизводстве. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. М., 2012. - 30 с.; Конусова В.Т. Роль и формы участия прокурора в гражданском процессе в контексте нового Гражданского процессуального кодекса // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=38385956&pos=6;-108#pos=6;-108](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=38385956&pos=6;-108#pos=6;-108)

<sup>7</sup> Қаранг: Головки И.И. Пределы участия прокурора в гражданском и административном судопроизводств // Russian journal of legal studies. 2017. № 4 (13). - 118 с.



эса ИПКнинг 49-моддаси учинчи қисмида белгиланган “прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ишлардагина иштирок этиши мумкин”лиги тўғрисидаги нормани амалга ошириш механизмларини батафсил тадқиқ этиш нақадар муҳим масала эканлигини кўрсатади.

Прокурорнинг судларда иқтисодий ишларни кўришдаги иштирокини назарда тутувчи мамлакатимизнинг амалдаги ИПК 49-моддасига кўра, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига даъво аризасини (аризани) — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига эса — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикасининг барча иқтисодий судларига даъво аризаси (ариза) тақдим этишга ҳақли.

Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан кўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас (ИПКнинг 49-моддаси).

Шу ўринда аксарият хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасида прокурорлар айнан қайси тоифадаги низоли ишлар юзасидан судга даъво ариза (ариза) тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиши аниқ кўрсатилган. Масалан, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг (кейинги ўринларда РФ АПК деб юритилади) 52-моддасига мувофиқ, прокурор қуйидаги ҳолларда арбитраж судига даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга:

Россия Федерацияси давлат ҳокимияти органларининг, Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимияти органларининг, маҳаллий ҳокимият органларининг ташкилотлар ва фуқароларнинг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий соҳадаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор



бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ариза билан;

Россия Федерациясининг давлат органлари, Россия Федерацияси субъектларининг давлат органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ва муниципал унитар корхоналар, давлат муассасалари, шунингдек устав капиталида (фондида) Россия Федерациясининг улуши, Россия Федерациясининг субъектларининг улуши, муниципалитет тузилмаларининг улуши бўлган юридик шахслар томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво билан;

Россия Федерациясининг давлат ҳокимияти органлари, Россия Федерацияси субъектларининг давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ва муниципал унитар корхоналар, давлат муассасалари, шунингдек устав капиталида (фондида) Россия Федерациясининг улуши, Россия Федерациясининг субъектларининг улуши, муниципалитет тузилмаларининг улуши бўлган юридик шахслар томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво билан;

давлат ва муниципал мулкни бошқа бировнинг ноқонуний эгаллашидан қайтариб олиш тўғрисидаги даъво билан;

давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво билан;

давлат ва муниципал эҳтиёжларни таъминлаш учун товарлар, ишлар, хизматлар сотиб олиш соҳасидаги контракт тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво билан;

Россия Федерациясига, Россия Федерацияси субъектларига ва муниципалитетларга давлат мудофаа буюртмалари соҳасидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек давлат ва муниципал эҳтиёжларни таъминлаш учун





товарлар, ишлар, хизматлар сотиб олиш соҳасидаги контракт тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда битимларни тузганлик натижасида етказилган зарарни қоплаш талаби тўғрисидаги даъво билан.

Қонунийликни таъминлаш мақсадида прокурор ушбу ишлар бўйича ишда иштирок этувчи шахснинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланган ва мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда арбитраж (ҳакамлик) судининг ҳар қандай босқичида ишга киришишга ҳақли бўлади.<sup>8</sup>

Худди шундай норма Тожикистон Республикаси ИПКнинг 51-моддасида ҳам назарда тутилган.<sup>9</sup>

Беларусь Республикаси ХПКнинг 66-моддасига кўра, қонун бузилиши аниқланган ҳолларда прокурор ўз ваколати доирасида давлат органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларининг, бошқа органлар ёки мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик ва бошқа хўжалик (иқтисодий) фаолияти соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлмаган ҳужжатларга эътироз билдириш тўғрисида ариза беради.

Шунингдек, давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари, шунингдек, устав фондида давлат мулки улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво кўзғатади.

Прокурор қонун бузилганлигини аниқлагандан сўнг, ўз ваколатлари доирасида, юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, уларнинг розилиги

---

<sup>8</sup> Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодекси // [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_37800/de756afd3c81322d4c33912200383981a4e8d54f/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/de756afd3c81322d4c33912200383981a4e8d54f/)

<sup>9</sup> Тожикистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30587949](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30587949)



билан хўжалик ишларини кўриб чиқаётган судга даъво (ариза) бериш ҳуқуқига эга.<sup>10</sup>

Қозоғистон Республикаси қонунчилигида прокуратура органларининг бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво кўзғатиш бўйича судга мурожаат қилишида чекловлар белгиланмаган.

Ўрганилган хорижий давлатларнинг хўжалик (иқтисодий) процессуал қонунларида прокурорнинг иқтисодий ишларни биринчи инстанция судида кўрилишида иштирок этишининг турли шакллари белгилаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, РФ АПКнинг 52-моддасида прокурорнинг судга даъво тақдим этиши билан боғлиқ шакли назарда тутилган бўлиб, унга кўра, прокурор судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ва ўзи мурожаат қилган ишда иштирок этиш белгиланган.<sup>11</sup> Мамлакатимиз ИПКдан фарқли равишда ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг мазмуни бўйича фикр бериши назарда тутилмаган.

Қозоғистон Республикаси ФПКнинг<sup>12</sup> 54–моддасига кўра, прокурор ушбу Кодексда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш учун иш бўйича ҳулоса бериш учун процессга киришишга ҳақли.

Прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиши давлат манфаатларига дахлдор ҳолларда, жамоат манфаатларини ёки ўзини ўзи ҳимоя қила олмайдиган фуқароларни ҳимоя қилиш зарур бўлганда, шунингдек, прокурорнинг иштироки суд томонидан зарур деб топилган ҳолларда мажбурийдир.

Прокурорнинг мазкур ваколатлари суд томонидан кўришга тайинланган барча ишлар учун уларни ўз вақтида хабардор қилиш бўйича белгиланган

---

<sup>10</sup> Беларусь Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси // [https://kodeksy-by.com/hozyajstvennyj\\_protseessualnyj\\_kodeks\\_rb/download.htm](https://kodeksy-by.com/hozyajstvennyj_protseessualnyj_kodeks_rb/download.htm)

<sup>11</sup> “Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации” от 24.07.2002 N 95-ФЗ (ред. от 01.07.2021, с изм. от 22.07.2021) // [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_37800/de756afd3c81322d4c33912200383981a4e8d54f/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/de756afd3c81322d4c33912200383981a4e8d54f/)

<sup>12</sup> Қозоғистонда Иқтисодий (хўжалик) процессуал кодекси мавжуд эмас ва иқтисодий судларда ишларни кўриш тартиби Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси билан тартибга солинади.



суднинг интернет-ресурсига ахборотни жойлаштириш орқали таъминланади.<sup>13</sup>

Кўриб турганимиздек, хорижий давлатлар қонунчилигини ривожланиш тенденциялари прокурорнинг судга даъво ариза (ариза) билан муурожаат қилиш борасида ваколатлари кенглигини, прокурорнинг қайси тоифадаги ишларда судга даъво ариза (ариза) киритиши билан боғлиқ нормаларни процессуал қонунчиликда белгилаш аънанаси мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам прокуратура органларининг **иқтисодий соҳадаги назорат фаолиятида асосий эътибор тадбиркорликни ривожлантиришга, ушбу жараёнда юзага келаётган муаммолар ечимига кўмаклашишга қаратилаётганлигини кўрсатади.** Хусусун, кейинги уч йилда 5 200 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 23 мингдан зиёд тадбиркорларга, жумладан, 2 300 дан ортиқ экспортёрларга муаммоларини ҳал қилишда кўмаклашилган. Тадбиркор ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ 17 400 га яқин ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди, қарийб 40 минг нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Умуман олганда, сўнгги 5 йилда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 413 мингдан зиёд фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Қонунга зид бўлган 32 мингдан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар прокурор протестлари асосида бекор қилинган. Қарийб 54 мингтаси эса қонунга мувофиқлаштирилган.<sup>14</sup>

Сўнгги уч йилда (2018-2020 йиллар) прокурорлар томонидан иқтисодий судларда асосан давлат манфаатига оид ишлар кўрилишида иштирок этиб келинганлигини, биринчи инстанция судида кўрилган жами 613.279 та ишнинг 7,8 фоизида (48.174 тасида), яъни давлат манфаатига оид ишларда прокурорлар иштирок этганлигини, ушбу даврда прокурорларнинг апелляция

<sup>13</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, Акорда, 31 октября 2015 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.07.2018 г.) WWW <http://online.zakon.kz>

<sup>14</sup> Йўлдошев Н.Т. Янги Ўзбекистон прокуратураси: ислохотларнинг дастлабки самаралари // “Халқ сўзи” газ. 2021 й. 27 август, 184-185 сони.

(574 та), кассация (1.417 та) ва назорат (162 та) протестлари асосида судларнинг жами 2.153 та ноқонуний қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилганлигини, судларнинг давлат фойдасига 17,5 млрд. сўм солиқ, божхона ва бошқа тўловлар, 215 млрд. сўм коммунал ва 1,7 млрд. сўм кредит қарзларини ундириш талабларини рад этиш ҳақидаги қарорлари прокурорларнинг протестларига асосан бекор қилиниб, давлат манфаатлари ҳимоя қилинганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Шундай экан, назаримизда мамлакатимиз ИПКда ҳам прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишдаги иштирокининг муҳим шакли бўлмиш - иқтисодий судларга даъво аризасини (аризани) тақдим этиш борасидаги ваколатларини аниқ белгилаш ва прокурорнинг қайси тоифадаги ишларда судга даъво ариза (ариза) киритиши билан боғлиқ нормаларни процессуал қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Иқтисодий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 125-сонли буйруғида<sup>15</sup> назарда тутилган қуйидаги ишларда прокурор иштироки мажбурийлигини ИПКда белгилаш лозим:

- суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
- прокурорнинг аризалари бўйича қўзғатилган ишларда;
- давлат мулкани ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларда;
- юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларда;
- мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларда;
- халқаро ва давлатлараро шартномалар, келишувлар тўғрисидаги ишларда;
- банкрот деб топиш тўғрисидаги ишларда;

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Иқтисодий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 125-сонли буйруғи // Буйруқ номланиши, преамбуласи ва 1-банд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 20.12.2017 йилдаги 179-сонли буйруғи таҳририда.



– давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятлар бўйича ишларда;

– ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги ишларда;

– атроф муҳитни муҳофаза этиш ҳақидаги қонунчилик бузилиши билан боғлиқ ишларда;

– давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишларда.

Таъкидлаш жоизки, мамлкатимизда иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда бепул юридик ёрдам кўрсатиш назарда тутилмаганлиги ҳам судда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини прокуратура органлари томонидан ҳимоя қилинишига зурурат туғдиради. Бинобарин, суд процессида прокурорларнинг даъво тақдим этиши ва ишда иштирок этиш жараёнида чекловлар назарда тутилмаган хорижий давлатлар (Қозоғистон, Россия Федерацияси, Беларусь, Тожикистон) қонунчилик тажрибасида суд ишларини юритишда бепул юридик ёрдам кўрсатиш назарда тутилганлигини кўриш мумкин.

Юридик адабиётларда ҳам суд процессида бепул юридик ёрдам кўрсатиш мавжудлиги ва унинг рўйхати кенг эмаслиги сабабли прокуратура маълум даражада алоҳида процессуал мақомга эга бўлган эркин вакиллик функцияларини бажариши ҳақида фикрлар илгари сурилади.<sup>16</sup>

Бироқ, бозор иқтисодиётининг жадал ривожланиши шароитида суд харажатларини тўлаш мажбуриятининг мавжудлиги туфайли суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқини амалга оширишда қийналаётган шахслар сонининг янада

---

<sup>16</sup> Коңусова В.Т. Роль и формы участия прокурора в гражданском процессе в контексте нового Гражданского процессуального кодекса // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=38385956&pos=6;-108#pos=6;-108](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=38385956&pos=6;-108#pos=6;-108)



кўпайиши муқаррар. Шундай экан, прокуратура органларининг фуқаролар, юридик шахслар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга муурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу мақсадда мамлакатимиз ИПКнинг 49-моддаси учинчи қисмидан “прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан кўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас”лиги ҳақидаги нормани чиқариб ташлаш ва “суд мазкур ишда прокурор иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда прокурор иштирок этиши шарт”лигини назарда тутувчи нормани ИПКга киритиш таклиф қилинади.

Юридик адабиётларда суд процессида бепул юридик ёрдам кўрсатиш мумкин бўлган шахслар рўйхатининг кенгайтирилиши ҳамда прокуратура органларининг фуқаролар, юридик шахслар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга муурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш шахснинг суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашнинг ягона йўли бўлиб қолмаслиги, ҳақидаги фикрлар ҳам эътиборга лойиқ.<sup>17</sup>

Бу борада илмий тадқиқот ва таҳлиллар хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимида мавжуд бўлган “жамоавий даъволар”, “жамоат манфаати ҳуқуқи” (public interest law) каби институтларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишни тақозо этади.

Жамоат манфаати ҳуқуқи судда манфаатлари тўлиқ ифодаланмаган шахсларга ёрдам кўрсатиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи қоидалар мажмуи сифатида белгиланиши мумкинлиги тўғрисида фикрлар билдирилади.<sup>18</sup>

Хорижий давлатларнинг фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокига доир қонун ҳужжатлари таҳлили шуни

---

<sup>17</sup> Ўша жойда: Конусова В.Т. Қайд этилган асар.

<sup>18</sup> Гражданский процесс. Под ред. Яркова В.В. 6-е изд., перераб. и доп. - М.: Волтерс Клувер, 2006. - 666 с.



кўрсатмоқдаки, аксарият давлатлар қонунчилигида прокурорга номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи берилган. Мамлакатимиз фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилигида прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво ариза (ариза) тақдим этиш ваколати мавжуд бўлса-да, бироқ номуайян доирадаги шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи назарда тутилмаган. Боз устига, миллий қонунчилигимизда “номуайян доирадаги шахслар”, “номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари” каби тушунчалар белгиланмаган.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 25-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Худди шундай ваколат мазкур Қонуннинг 24-моддасига кўра маҳаллий ҳокимият органларининг истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларида ҳам ўз ифодасини топган.<sup>19</sup> Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни 8-моддаси 11-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 329-моддаси 11-бандига кўра, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари - истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб бериладиган

---

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221-И-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон, 59-модда.



даъволар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланган.<sup>20</sup>

Бироқ юқоридаги қонунларда ҳам номуайян доирадаги шахслар деганда қандай шахслар тушунилиши белгиланмаган. Бу эса ўз навбатида ушбу идоралар томонидан судга даъво тақдим этиш жараёнида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 155-моддасида даъво аризасини қайтариш асослари назарда тутилган бўлиб, унга кўра, агар даъво ариза (ариза) ИПКнинг 149-моддасида белгиланган шакл ва мазмунга риоя қилинмай тақдим этилган бўлса, судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.<sup>21</sup>

Бир сўз билан айтганда, прокурор томонидан номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш механизмлари мамлакатимизнинг иқтисодий ва фуқаролик процессуал қонунчилигида батафсил тартибга солиниши тақлиф қилинади. Мазкур қонунчиликка киритилиши ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашнинг қўшимча кафолати вазифасини бажаради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, “номуайян доирадаги шахслар” манфаатларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий конструкция XX асрда Европа процессуал ҳуқуқида кенг тарқалган “гуруҳ даъвоси” номи билан ривожланган эди. Хусусан, Францияда даъвога бўлган мазкур ҳуқуқ 1907 ва 1923 йилларда Кассация суди томонидан тасдиқланган.<sup>22</sup> Англо-саксон ҳуқуқ тизимида гуруҳ даъвоси бир неча асрлардан буён амал қилиб келади. Унинг

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/4680944>

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3523891>

<sup>22</sup> Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран. М., 2004. -С. 480-482.





юзага келиш тарихи инглизларнинг XVII асрдаги “Тинчлик тўғрисидаги акт”ига бориб тақалади.<sup>23</sup>

1998 йилда Англияда фуқаролик суд ишларини юритиш Тартиби (Civil Procedure Rules) қабул қилинган.<sup>24</sup> Ана шу норматив ҳужжатнинг биринчи моддасидаёқ қуйидаги қоида белгиланган: “Мазкур Тартиб янги процессуал кодекс ҳисобланиб (New procedural code), унинг асосий мақсади судга ишни адолатли ҳал этиш имконини беришдан иборатдир”. фуқаролик суд ишларини юритиш Тартиби ишда тараф сифатида иштирок этаётган ташкилотлар даъвога бўлган ҳуқуққа эга бўлиш билан бир вақтда бу ташкилотларнинг жамоавий ва якка тартибдаги ҳуқуқлар ҳимоячиси сифатида даъвога бўлган ҳуқуқлари ҳам тан олинishi белгиланган.

Маълумки, даъвога бўлган ҳуқуқ олдиндан қонуний тарзда белгилаб кўйилган ва давлат томонидан кафолатланган шахсларнинг (жисмоний ва юридик шахсларнинг) бузилган ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун уларга берилган моддий тусдаги ҳуқуқдир.<sup>25</sup> Демак, юқоридаги даъвонинг аҳамиятли жиҳатлари шундан иборатки, уларнинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида оммавий-ҳуқуқий манфаатларни ҳам, кўп сонли шахслар гуруҳининг хусусий манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш имконияти яратилади.<sup>26</sup> Профессор М.М.Мамасиддиқов фикрича, мазкур даъво бўйича бир ёки бир неча шахслар бутун бир гуруҳларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин ва ўзининг процессуал моҳиятига кўра, бундай даъво биргаликда иштирок этувчилар ва вакилликнинг элементларидан ташкил топган мураккаб бирикмаларни ҳосил қилади.<sup>27</sup>

---

<sup>23</sup> Колесов П.П. Групповые иски в США. -М.: ООО “Городец-издат”, 2004. -8 с.

<sup>24</sup> The Civil Procedure Rules 1998. [http://www.justice.gov.uk/civil/procrules\\_fin/menus/rules.htm](http://www.justice.gov.uk/civil/procrules_fin/menus/rules.htm).

<sup>25</sup> Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореферати. –Тошкент: 2007. -20 б.

<sup>26</sup> Колесов П.П. Групповые иски в США. М., 2004. -9 с.

<sup>27</sup> Мамасиддиқов М.М., Шайзаков Ш.И., Шамшидинов У.Т. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш масалалари // Илмий-амалий қўлланма. Бош прокуратура академияси. –Тошкент, 2020. –39 б.



Дарҳақиқат, прокурор томонидан номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси институтини бойитади.

Шу ўринда ташкилотларнинг жамият ҳаётидаги иштироки йўналишига оид тадқиқот ишлари билан шуғулланган муаллифларнинг фикрича, замонавий ташкилотлар янги демократиянинг бир кўриниши сифатида жамоавий манфаатларнинг ҳамда якка тартибдаги шахс манфаатларининг ҳимоячисидек муҳим ролни ўз қўлига олажаги ҳақида фикрни илгари сурадилар.<sup>28</sup>

Шундай экан, бизнинг назаримизда, прокурор томонидан номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш тартиботларининг иқтисодий процессуал қонунчиликка киритилиши айни бир вақтда давлатга ҳам, жамиятга ҳам бирдек керакли бўлиб, давлат ва жамият манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бундай даъволарни кўриб чиқиш учун қабул қилган судлар бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини ҳал этиб, ўз навбатида талайгина процессуал чиқимларнинг олдини олади. Бу каби даъволарни судда кўриш ва ҳал этиш жараёнида судлар аниқ бир субъектларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш масаласини ҳам ҳал этиши мумкин.

Прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишда иштирокининг муҳим шакли бўлмиш - фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаси (ариза) тақдим этиш орқали иштироки ҳақида тўхталар эканмиз, юридик адабиётларда судга даъво ариза (ариза) тақдим этган прокурорнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида турли баҳс-мунозалар мавжудлигини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади. Масалан, ҳозирги

---

<sup>28</sup> *Қаранг:* Хабриева Т.Я., Чиркин В.Е. Теория современной конституции. -М., 2005. -С. 176-177.



кундаги юридик илмий ва ўқув адабиётларида ўз аризаси билан иш юритиш кўзгатишган прокурор процессда процессуал маънода даъвогар ҳисобланади, деган фикрлар илгари сурилади. Хусусан, прокурорнинг “процессуал маънода” даъвогар сифатида иштирок этишининг тарафдорлари прокурорнинг моддий-манфаатдор шахс эмаслигини, суд ҳал қилув қарори унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмаслигини, прокурор судга ариза билан мурожаат қилаётганда ҳам, суд процессида иштирок этаётганда ҳам даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланишини ҳамда прокурор ўз талабларини исботловчи субъект бўлиб ҳисобланиши кўрсатиб, ўз фикрларини юқоридагилар билан асослашга ҳаракат қиладилар.<sup>29</sup> Бошқа бир гуруҳ олимлар эса прокурор фуқаролик ва арбитраж процессида процессуал маънода тараф сифатида иштирок этади, деб ҳисоблайдилар.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг йирик намояндаларидан бири бўлмиш К.С.Юделсон прокурор, агар унинг ташаббуси билан процесс юзага келган бўлса, фуқаролик ишида тараф эканлиги ҳақидаги фикрга эътироз билдиради. Унинг фикрича, процессда икки тараф: даъвогар ва жавобгар иштирок этади ва прокурор бу тарафларнинг биронтасига тааллуқли бўлмайди. Бироқ ушбу жараёнда ишни кўзгатишган прокурорнинг процессда эгаллаган ўрни қандай бўлади деган саволга муаллиф прокурор ушбу жараёнда фақатгина давлат вакили сифатида иштирок этади, деган жавобни билдиради.<sup>30</sup>

Кўриб турганимиздек, ўтган асрларда ҳам прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишдаги иштироки, процессда тутган ўрни асосан давлатнинг вакили сифатида иштирок этиши билан белгиланган экан.

<sup>29</sup> Қаранг: Осокина Г. Л. Иск прокурора в гражданском судопроизводстве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. -Томск, 1980. – 6 с.; Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. –М.: Изд-во МГУ, 1991. -114 с.; Назаров Г.И. Прокурорнинг ҳуқуқлари. //Ж. Қонун ҳимоясида. 2000, №3. –Б. 10-12. Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) / отв. ред. М.С.Шакарян. -М.: ТК Велби, Проспект, 2003. - С. 128-129.

<sup>30</sup> Қаранг: Юдельсон К.С. Проблема доказывания в советском гражданском процессе. -М.: Госюриздат, 1951. -С. 120-121.

Ҳуқуқшунос олимлар М.А.Викут, С.Ф.Афанасьев, А.И.Зайцев, М.И.Клеандров ва бошқалар прокурорни процесда қандай шаклда иштирок этишидан, яъни ишни қўзғатиши ёки бошқа шахслар томонидан бошланган жараёнга қўшилишидан қатъи назар, процессуал тарзда ёки бошқа маънода прокурор деб номлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.<sup>31</sup>

Профессор М.М.Мамасиддиқов ўз асарларида прокурорнинг процессуал маънодаги даъвогар ёки фуқаролик процессидаги тарафлардан бири деган фикр билан ҳам қуйидаги асосларга кўра келишиб бўлмаслигини таъкидлайди: процесдаги тарафлар - даъвогар ва жавобгар тушунчаси - фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида муайян мазмун ва ўзига хос белгиларга эга. Тарафлар бўлиб ишнинг якунидан моддий ва процессуал манфаатдор шахслар ҳисобланади, улар процесда ўз номидан, ўзларининг субъектив ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб иштирок этадилар.<sup>32</sup>

Дарҳақиқат, юқоридаги олимларнинг нуқтаи назарларини таҳлил қилган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкинки, прокурор ишда иштирок этувчи шахслардан фарқли равишда процесда алоҳида мустақил ҳуқуқий мақомни эгаллайди ва бир вақтнинг ўзида қонунийликни таъминлаш каби вазифани амалга оширади. Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор ишда иштирок этувчи бирон бир шахс амалга оширолмайдиган вазифани, яъни суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган

<sup>31</sup> Викут М.А. Стороны - основные лица искового производства. -Саратов: Изд-во Саратовского ун-та, 1968. -С. 3-5.; Гражданский процесс России: учебник / под ред. М.А.Викут. М., 2005. -С. 218 (автор главы - М.А.Викут).; Афанасьев С.Ф., Зайцев А.И. Гражданский процесс: учеб. -метод. комплекс. -М.: Норма, 2004. -С. 142-143. Клеандров М.И. Арбитражный процесс: учебник. -М.: Юристъ, 2003. -С. 140-141. Викут М.А. О юридической терминологии в гражданском процессуальном праве // Актуальные проблемы гражданского права и процесса: сборник материалов междунар. науч.-практ. конференции. Вып. 1. М.: -Статут, 2006. -С. 266-267.

<sup>32</sup> Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф. Ш.Ш.Шорахметов тахрири остида. -Т.: АҚҲМИ. 2008. -32 б.

манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби вазифани амалга оширади. Прокурор зиммасидаги вазифанинг хусусиятидан келиб чиқиб, иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этувчи бошқа шахслардан мустақил равишда ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам прокурорнинг процесда тараф ёки процессуал маънода даъвогар деган нуқтаи назар билан келишиб бўлмайди.

Прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишда иштирокининг иккинчи шакли бўлмиш - бошқа шахслар томонидан қўзғатилган ишларда прокурор ишнинг мазмуни бўйича фикр билдириш учун жараёнга кириш шакли (ИПКнинг 49-моддаси тўртинчи қисми) борасида хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, Россия ва Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли равишда Қозоғистон Республикаси ФПКда прокурорнинг иштироки **суд томонидан зарур деб топилган ҳолларда мажбурий** эканлиги ва ушбу Кодексда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш учун иш бўйича хулоса бериш учун процессга киришишга ҳақли эканлиги белгиланган<sup>33</sup>

Назаримизда бу борада хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 49 - моддасига асосан **прокурор** фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг (даъво) аризаси асосида қўзғатилган ишдагина иштирок этиши белгиланиб, бошқа шахснинг аризаси билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида **ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди**. Ваҳоланки, ўтган йиллар давомида иқтисодий судларда прокурорлар давлат манфаатлари билан боғлиқ ишларда иштирок этиб, судларга адолатли қарор қабул қилинишида кўмаклашиб келган. Хусусан, охириги уч йилда (2018-2020

---

<sup>33</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, Акорда, 31 октября 2015 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.07.2018 г.) WWW <http://online.zakon.kz>



йиллар) прокурорлар томонидан иқтисодий судларда асосан давлат манфаатига оид ишлар кўрилишида иштирок этиб келинган. Жумладан, биринчи инстанциясида кўрилган **жами 613.279 та** ишнинг 7,8 фоизида (48.174 тасида), яъни **давлат манфаатига оид ишларда прокурорлар иштирок этган**. Ушбу даврда прокурорларнинг апелляция (574 та), кассация (1.417 та) ва назорат (162 та) протестлари асосида судларнинг **жами 2.153 та** ноқонуний қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Яъни, судларнинг давлат фойдасига **17,5 млрд. сўм** солиқ, божхона ва бошқа тўловлар, **215 млрд. сўм** коммунал ва **1,7 млрд. сўм** кредит қарзларини ундириш талабларини рад этиш ҳақидаги қарорлари прокурорларнинг протестларига асосан бекор қилиниб, **давлат манфаатлари ҳимоя қилинган**.

**Масалан**, Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг “Senior technical Services LP” компанияси (Буюк Британия), “Пенза Химмаш” АЖ (Россия) ва “Ўзташқиннефтгаз” АЖ ўртасидаги низо юзасидан қабул қилган қарори бўйича 2,4 млрд. сўм божхона тўловлари ундирилмаган. Бош прокуратуранинг протестига асосан ушбу ноқонуний қарор Олий суд Раёсатида 03.03.2020 йилда бекор қилинган. Ёки, Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг “Bektemir-Spirt Eksperimental Zavodi” АЖдан 1,2 млрд. сўм ва “Qo’qonspirt” АЖдан 3,1 млрд. сўм солиқ тўловларини ундириш ҳақидаги солиқ органларининг даъво талабларини рад этиш тўғрисидаги ноқонуний қарорлари Бош прокуратуранинг протестларига асосан Олий суд Раёсатида тегишлича 30.01.2020 йил ва 03.03.2020 йилда бекор қилиниб, **давлат манфаатлари ҳимоя қилинган**.

Бироқ, суд-ҳуқуқ соҳасидаги сўнгги ўзгартиришларда бошқа шахслар ташаббуси билан кўзгатирилган давлат манфаатларига оид ишларнинг судларда кўрилишида прокурор иштирок этиши назарда тутилмаган.

Прокурорларнинг судларда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатини чекланиши оқибатида давлат манфаатида зид **бўлган ноқонуний суд қарорлари қабул қилинмоқда**. Хусусан, Олий суднинг иқтисодий

ишлар бўйича судлов хайъати томонидан “Шўртаннефтгаз” МЧЖдан **47,5 млрд. сўм** ҳамда “Гиссарнефтгаз” МЧЖдан АЖдан **40,2 млрд. сўм** солиқ тўловларини давлат бюджетига ундириш талаби асоссиз рад этилган. Ёки, Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати томонидан “Ўзмедимпекс” давлат унитар корхонасининг “Pharmhealth” МЧЖ билан ноқонуний тузилган (дори воситалари етказиб бериш ҳақида) шартномани ҳақиқий эмас деб топиш талабини рад этилиши натижасида **давлат манфаатига жами 9,9 млрд. сўмлик зарар** етказилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳузурида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалаларида 2020 йил 30 июнда ўтказилган 49-сонли йиғилиш қарорининг 8-бандида, фақат ўз ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қила олмайдиган шахслар, **давлат манфаатига оид** ва прокурорнинг аризаси асосида кўзғатилган ишларда прокурор иштироки шартлигини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилган.

Юридик адабиётларда биринчи инстанция судларида прокурор иштирокининг учинчи шакли, яъни номуайян шахслар доирасига дахлдор масалалар бўйича ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишларни кўзғатиш шакли ҳам борлиги айтилади.<sup>34</sup> Фикримизча, ушбу нуқтаи назар билан келишиш қийин. Чунки Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 49-моддаси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида судларда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш функцияси белгиланган. Ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишларни кўзғатишда юқоридаги нормалар асос вазифасини бажаради. Шундай экан, ушбу ҳолатда прокурор иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этишининг биринчи шакли,

<sup>34</sup> Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дис. соис. учен. степ. канд. юрид. наук. -Саратов, 2002. -16 с.

яъни туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига даъво аризасини (аризани) тақдим этиш шаклида иштирок этади.

